O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 22 февраль, № 36 (3835) Чоршанба

## Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган





## СИФАТЛИ МАҲСУЛОТНИНГ ХАРИДОРИ КЎП

2003 йилнинг декабрь ойидан фаолият кўрсатаётган Янгийўлдаги "Ядем текстил" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида ҳозир 1326 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг ишлаш ва дам олишлари учун барча шарт-шароит яратилгани меҳнат унумдорлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган сифатли ва бежирим маҳсулотлар Россия, Қозоғистон, Туркия, Литва, Украина ҳамда Германия каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

**СУРАТЛАРДА: уста Яшар Узул ишчилар София Жуманова ва Альфия Солимова билан маҳсулот сифати хусусида суҳбатлашмоқда; йигирув цехи ишчиси Муҳаббат Давлетова.**

Ҳусанбой **АВВАЛОВ** олган суратлар.

## ТАШАББУС ВА МАСЪУЛИЯТ ЗАРУР

***Тошкент вилояти фаолларининг йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш масаласи муҳокама этилди.***

Уни вилоят ҳокими М.Куччиев бошқарди.

Йиғилишда вилоятда 2005 йилда барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича кўзланган натижаларга эришилганлиги таъкидланди. Жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати уч фоизни ташкил этиб, саноатда ишлаб чиқариш 3,9 фоизга, истеъмол товарлари тайёрлаш 9,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш 4,2 фоизга ўсди.

Шунингдек, моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотлар сотиш тизимини эркинлаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларининг юқори ликвидли моддий ресурслар олишининг барқарор бозор механизми шакллантирилди.

Ўтган йили 60 та корхона ва объект хусусийлаштирилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 26,6 фоизни ташкил этди. Янги ташкил этилган иш ўринларининг қарийб 30,1 мингдан ортиғи кичик бизнес улушига тўғри келади.

Кейинги йилларда вилоятда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозир фермер хўжаликларида 54,5 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Пахта ҳосилининг 45 фоиздан ортиғи, доннинг 42,6 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шунингдек, назорат органларининг корхоналар молия хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида қатор ишлар қилинди.

Шу билан бирга, йиғилиш қатнашчилари ҳар ишда ташаббус ва масъулиятни чуқур ҳис этиш ютуқлар гарови эканини таъкидладилар. Бундай фазилатлар етишмаган жойда ўз-ўзидан оқсоқлик юзага келади. Йиғилишда вилоят давлат мулкини бошқариш бошқармаси ва унинг жойлардаги органларининг хусусийлаштириш масалаларига ёндашуви талаб даражасида эмаслиги жиддий танқид қилинди. Шунингдек, уй-жой коммунал хўжалигидаги ислоҳотларнинг бориши ҳам қониқарли эмас. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасида рақобат муҳити етарлича шаклланмаган. Энергия ресурслари, нефть ва газ маҳсулотларидан тежамкорлик билан оқилона фойдаланишда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди, кўрсатиб ўтилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланди.

Вилоят фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Л.СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Долзарб масалалар муҳокамаси

Давлат мулки қўмитаси Жиззах вилояти бошқармасида "Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва корхоналарни хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлаш" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашлари раислари, ижроия органлари раҳбарлари, йирик акциядорлар ва бошқа идоралар вакиллари иштирок этди. Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси Корпоратив ўқув маркази мутахассисларининг иштирок этгани эса тадбирнинг янада жонли ва очиқ мулоқот тарзида ўтишини таъминлади.

Семинарда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ҳамда "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонунлар талабини бажаришда жамоаларнинг зиммасидаги вазифалар хусусида ҳам атрофлича фикр алмашилди.

**Б. САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

### Қарор ва ижро

*Юртимиз аҳолиси ва ҳудудларини геологик ҳамда гидрометеорологик ҳодисалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш мамлакатимиз раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида бу борада талай ишлар амалга оширилмоқда.*

## ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛИДА

— Бу йил қиш нисбатан совуқроқ ва серёғин келганлиги муносабати билан тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда дарё ва сойлар, тоғ ва тоғолди ҳудудлардаги қор захираларининг ҳолати жиддий ўрганилмоқда, — дейди мазкур вазирликнинг аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи, майор Бахтиёр Шарипов. — Айни пайтда жойларда қирғоқларни мустаҳкамлашдек кечиктириб бўлмайдиган ишлар жадаллаштирилмоқда. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 9 февралда эълон қилинган "Аҳоли ва ҳудудларни сел-тошқин ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори дастуриламал бўлмоқда.

Қарорда бу йилги сел-тошқин оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш, кўчки ҳодисалари олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган зарур чора-тадбирлар белгилаб берилган. Шу мақсадда жойларга масъул ходимлар бириктирилди. Қидирув-қутқарув бўлинмалари ва тезкор гуруҳларнинг хавф ёки фавқулодда вазиятлар юзага келган ҳолларда ўз вазифаларини бажаришга доимий шайлиги таъминланади.

Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг номи зикр этилган қарори ижросини тўла таъминлаш, вужудга келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг ўз вақтида олдини олиш ва халқимиз осойишталигини таъминлашга қаратилгандир.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида белгилаб берилган вазифаларга эътибор қаратилди.***

Жумладан, бюджет ва солиқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва бир хиллаштириш, солиқ юкини қисқартириш асосида иқтисодиётни барқарор юқори суръатлар билан ўстиришни таъминлаш ҳамда таркибий ислоҳотлар кўламини ва иқтисодиётни модернизация қилишни чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар Дастури қабул қилинди.

Йиғилишда, шунингдек, "Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва ҳукуматнинг 1996 йил 8 ноябрдаги 387-сонли, 2003 йил 12 мартдаги 133-сонли тегишли қарорларига асосан, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга бўлган боқимандаларни ундириш борасидаги масала ҳам муҳокама этилди.

Ўтказилган таҳлилларга кўра, мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар Хоразм, Наманган ва Сирдарё вилоятларида талаб даражасида эмаслиги қаттиқ танқид остига олинди. Вазифаларини бажаришда масъулиятсизликка йўл қўйган 18 нафар раҳбар ходимга нисбатан эса интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳлил қилиниб, мазкур ҳудудий ДСБ бошлиқларининг бу борадаги ҳисоботлари тингланди.

(Давоми 2-бетда).

## Дастлаб Бангладеш, кейин Қатар

***Бугун марказий "Пахтакор" стадионида 2007 йил бўладиган Осиё чемпионати саралаш учрашуви бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон ва Бангладеш терма жамоалари ўзаро куч синашадилар.***

Кеча Миллий Олимпия қўмитасида ҳар иккала терма жамоалар бош мураббийлари иштирокида матбуот анжумани уюштирилди. Албатта, ўзбекистонлик футбол ишқибозларини миллий терма жамоамизнинг тайёргарлиги қизиқтириши табиий. Яқинда Бош мураббий вазифасида иш бошлаган Валерий Непомнящий тайёргарликка тўхталар экан, жамоада бир қатор муаммолар мавжудлигини айтиб ўтди. БААда ўтган тайёргарлик машғулотларида жамоамиз Россия биринчи лигаси вакили "Урал" ва Фарғонанинг "Нефтчи" жамоалари билан ўртоқлик учрашуви ўтказиб, иккаласида ҳам имкониятни бой берди. Бугунги учрашувда футболчиларимиз фақат ғалаба учун майдонга тушадилар. Ушбу учрашувда терма жамоамизни Миржалол Қосимов сўнгги бор сардор сифатида майдонга бошлаб тушиши режалаштирилганди. Лекин бетоблиги сабабли Миржалол бу учрашувда иштирок эта олмайди. Жамоани Андрей Фёдоров сардор сифатида майдонга олиб тушади.

Бангладеш терма жамоаси мураббийси Диего Кручиани журналистлар саволларига жавоб қайтарар экан, Тошкентга унинг жамоаси ёш таркиб билан ташриф буюрганини айтиб ўтди.

— Ўзбекистон билан Бангладеш футболи орасида катта фарқ бор, — деди Д. Кручиани. — Бугунги ўйин ёш футболчиларимиз учун катта тажриба мактабини ўташи аниқ.

Футболчиларимиз навбатдаги саралаш учрашувини 1 март куни Доҳада Қатар термасига қарши ўтказадилар.

**Зиёдулло ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

### Энг олис туманда




***Томди — юртимизнинг энг олис туманларидан бири. Навоий вилояти марказидан 250 километр узоқликда жойлашган. Туман маркази билан баъзи хўжаликлар отарлари орасидаги масофа эса 350 километргача ястанган. Томди шимолдан Қозоғистон Республикасининг Қизил Ўрда ва Жанубий Қозоғистон вилоятлари, шарқдан Конимех ва Учқудуқ туманлари билан чегарадош. Ҳудуди ҳам ниҳоятда катта бўлиб, мамлакатимиз умумий майдонининг 9,5, Навоий вилоятининг эса 39 фоизини ташкил этади.***

***Табиати кескин ўзгарувчан, ёзда ҳарорат 50-60 даражагача боради. Қиши анча аёзли бўлиб, совуқ — 35 даражагача тушади.***



## ЯЙЛОВЛАРИ ҲАЛОВАТЛИ ЭМАС

Туман ҳудуди Қизилқум чўлида жойлашганлиги сабабли, бу заминда асосан саксовул, шувоқ, қуёнсуяк, ялтирбош ўтлари ўсади. Асосий соҳа қоракўлчилик ҳисобланади. Ҳозир яйловларда 275 минг бошдан зиёд қўй-қўзи, 2742 бош йилқи, 1729 бош туя боқилмоқда. Асфальт йўл туманни хўжаликлар марказлари билан боғлайди, фермалар ва отарларга бориш учун эса чўл барханлари орасидан ўтган қумли йўлларда оғир юк машиналари ва "Газ-69" машинасидан фойдаланилади, холос.

Туманнинг янгидан қурилаётган маркази кейинги йилларда тобора ободонлашиб бормоқда. Режа асосида бунёд этилаётган турар жойлар, ташкилотларнинг бинолари саҳрода шаҳарча барпо этилаётганлигидан далолат беради. Айниқса, Осиё Тараққиёт банки маблағи ҳисобига қурилган қишлоқ хўжалик коллежининг замонавий биноси кишининг эътиборини тортиши, шубҳасиз. 600 ўқувчига мўлжалланган ушбу ўқув даргоҳида ёшлар чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари бўйича таълим олишмоқда. Зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ўқув хоналари, техника воситалари уларнинг ихтиёрида.

### Фидойи чўпонлар юрти

Чорвадорларда бир ибора бор: иродаси қўйнинг туёғидан қаттиқ инсонгина чўпон бўла олади. Дарҳақиқат, саҳрода қўй боқишнинг ўзи бўлмайди. Жорий йил қиши Томдида бирмунча мураккаб келди. Ўтган йил декабрь ойининг бошларида қор тушиб, қарийб икки ойдан зиёд ерни қоплаб турди. Совуқ — 35 даражагача борди. Бу, албатта, чорвадорларга катта ташвиш туғдирди. Жониворларни қишнинг аёзли кунларидан беталафот олиб чиқиш учун мутахассислар ва барча соҳа ходимлари чўпонлар билан куну тун меҳнат қилишди.

"Янги чорва" ширкат хўжалиги туман марказидан 60 километр узоқликда экан. Айни пайтда бу ерда 29 минг бошдан ортиқ қўй парвариш қилинмоқда, Жониворлар бош сони йилдан-йилга кўпайиб бораётир.

Биз тушган "Газ-69" машинаси барханлар орасидан 20 чақиримча йўл юриб, бош чўпон Хўжабек Қодировнинг ўтови ёнида тўхтади. Кигиздан ясалган ўтовда Хўжабек билан суҳбатлашдик.

— Ўзим, укам ва аёлим 500 бош совлиқни боқаяпмиз, — деди у. — Юмушимиз осон эмас. Лекин меҳнатимизга яраша даромад ҳам олаяпмиз. Масалан, ҳар юз бош совлиқдан юзтадан ошириб қўзи олсак, ўзимизга қолади. Яна сифатли қоракўл тери етиштирсак, қўйларни қишдан беталафот олиб чиқсак, мукофот ҳам оламиз. Хўжалик томонидан барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик суви етказиб берилади. Ўтган йили жами даромадимиз 4 миллион сўмдан ошди.

Ҳамроҳимиз, хўжалик раҳбари Аулбек Дўсбабетов билан бош чўпон Елувсин Амировнинг яйловига ҳам бордик. Елувсин оға хотини билан 100 бош туя боқади.

— Чўпонлик — менга ота мерос, — дейди у киши. — Отамдан чўпонлик таёғини олганимга ҳам ўттиз йилдан ошди. Илгари қўй боққанман, мана, 13 йилдирки, туя парвариш қиляпмиз. Биз асосан жониворларнинг сутини болалар боғчалари, шифохоналарга етказиб беряпмиз. Ўтган йили шу тарзда 4 тонна сут сотдик. Даромадимиз ҳам ёмон бўлаётгани йўқ. Бултур ҳаммаси бўлиб 1,5 миллион сўмдан зиёд пул олдик.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси 2006 йил 24 февраль куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 23 февраль куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

# ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Шартномага ўтилади

Россия бош вазири ўринбосари, мудофаа вазири Сергей Иванов “Известия” газетасига берган интервьюсида, 2008 йилгача мамлакат армияси таркибининг 70 фоизи шартномага ўтишини билдирди. Унинг сўзларига қараганда, мазкур тадбир армиянинг жанговар тайёргарлигини оширади.

Сергей Иванов 2001 йилда ҳарбий бюджетнинг 70 фоизи армияни ушлаб туришга, 30 фоизи уни ривожлантиришга йўналтирилганини, ҳозир эса бу кўрсаткич 40 фоизга кўтарилганини таъкидлади.



*Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос Ғазо секторида ХАМАС етакчилари билан учрашди. ХАМАС вакиллари Маҳмуд Аббосга Исмаил Хания номзодини бош вазирликка расман таклиф қилишди. Тахмин қилинишича, яқин кунларда мухторият раҳбари Ханияга янги ҳукуматни шакллантиришга буйруқ бериши мумкин.*

## Номзод тавсия этилди

ХАМАС маъмурияти коалицион ҳукумат тузишни хоҳламоқда, бироқ бир қатор сиёсий кучлар мухториятнинг ижро органи таркибига кириш нияти йўқлигини билдиришди. ХАМАСнинг ҳукумат тепасига келишидан Исроил ва бир қатор донор давлатлар ўзларининг норозиликларини айтишиб, молиявий ёрдам тўхтатилишини таъкидлашаяпти. Хания бунга жавобан чиқиш қилиб, расмий Тель-Авив томонидан молиявий ёрдамнинг қисқартирилиши Фаластин сиёсатига кучли таъсир кўрсатмаслигини таъкидлади.

## 2,5 миллиард долларлик битим

Европанинг энг катта самолётсозлик компанияларидан бири Airbus Ҳиндистон давлат компанияси раҳбарияти билан йўловчи самолётлар етказиб бериш бўйича 2,5 миллиард долларлик шартнома имзолади.

Келишилган битимга кўра, Ҳиндистон тарафи самолётларнинг биринчи партиясини яқин 15 йил давомида сотиб олиши керак. Airbus бош менежери Ноэль Форжарнинг таъкидлашича, бу келишув компания учун катта муваффақиятдир.



## Нефть экспортига қарши

“Нигера дельтасини озод қилиш ҳаракати” этник гуруҳи жангарилари Нигериядаги Royal Dutch/Shell концернига қарашли нефть терминалини портлатиб юборди. Маҳаллий матбуот хабарларида айтилишича, жангариларнинг мазкур хуружидан сўнг мамлакатдан четга экспорт қилинаётган “қора олтин” миқдори кунига 340 минг баррелга қисқарган.



Жангарилар тўққиз нафар хорижликни ҳам гаровга олишган. Мазкур гуруҳ мамлакатнинг асосий бойлиги бўлган нефтнинг чет элликлар томонидан хорижга экспорт қилинишига қаршилик қилишмоқда. Маълумотларга қараганда, хорижий компаниялар мамлакат ҳудудидан бир кунда 2,5 миллион баррелгача нефть қазиб олишмоқда.

## Музокаралар бошланди




Москвада Эроннинг ядровий дастури юзасидан расмий Кремль ва Теҳрон вакиллари ўртасида музокаралар бошланди. Россия тарафи Эронга уранни бойитиш ишларини ўз ҳудудида ўтказишни таклиф қилаяпти. Бироқ расмий Теҳрон ядро тадқиқотларини мустақил равишда давом эттириш ниятида.

Музокаралар бошланмасдан олдин Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров журналистларга интервью берди. Унинг таъкидлашича, Эрон делегацияси билан ўтказилаётган музокараларда МАГАТЭ бошқарувчилар Кенгашининг жорий йил март ойида ўтадиган навбатдаги сессияси бошлангунга қадар юзага келган ноқулай вазиятдан чиқиб кетиш чораларини муҳокама қилиш лозим.

## Энергия тақчиллигини ҳал қилмоқчи

Сўнгги бир неча йил давомида Хитойда электр энергияси тақчиллиги рўй бермоқда. “Чайна дейли” газетасининг хабар тарқатишича, расмий Пекин жорий йил охирига қадар мазкур муаммони ҳал қилишни режалаштираяпти. Манбада келтирилишича, саноатнинг тез ривожланиб кетиши мамлакатда энергия таъминотига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Ҳукумат шуни назарда тутган ҳолда, 2010 йилга қадар электр энергияси ишлаб чиқаришни ҳозиргига қараганда 50 фоизга кўпайтирмоқчи.

Ривожлантириш ва ислоҳот миллий комиссияси раҳбари ўринбосари Чжан Гобаонинг қайд этишича, мамлакатдаги электр станцияларининг қарийб 70 фоизи кўмир билан ишлайди ва уларга ёқилғи етказиб беришда турли муаммоларга дуч келинмоқда.

## Вақтинча БМТ бошқарувида

Венада серблар ва косоволик албанлар ўртасида Косовонинг мақомини аниқлаштириш мақсадида музокаралар бошланди. Мазкур ҳудуд ҳуқуқий жиҳатдан Сербия ва Черногория таркибида қолганди, бироқ НАТО томонидан ўтказилган ҳарбий операциядан сўнг Косово вақтинча БМТ бошқарувига ўтди.

Мазкур ҳудуд аҳолисининг 90 фоизини албанлар ташкил этади. Улар Косовонинг мустақил бўлишини исташмоқда, бироқ Сербия бунга қаршилик кўрсатаяпти.

## Тез тарқалаётган вирус



Паррранда гриппи бугунги кунда жуда тез тарқалмоқда. АҚШнинг Сент-Льюисе шаҳрида мазкур масалада ўтказилган конференция иштирокчилари шундай хулосага келишди. Уларнинг тасдиқлашича, инсоният ҳар йили битта янги касаллик орттирмоқда. Таъкидлаш лозимки, юқумли вирусларнинг аксарияти, хусусан, парранда гриппи ёки СПИД инсонларга айнан жониворлардан юқмоқда.

Манбада айтилишича, ҳозирда инсоният соғлиғига 1400 дан ортиқ турли вируслар хавф солаяпти. Конференцияда иштирок этган олимлар юқумли касалликлар тарқалишини қаттиқ назорат остига олиш керак, деган хулосага келдилар.

## Танловнинг биринчи босқичи якунланди

Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган анъанавий “Ташаббус — 2006” кўрик-танловининг шаҳар ва туман босқичлари ниҳоясига етди. Унда 500 дан ортиқ тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар ўз маҳсулотлари билан қатнашдилар. “Энг яхши тадбиркор”, “Энг яхши фермер”, “Энг яхши ҳунарманд” номинациялари бўйича биринчи ўринни эгаллаган 44 та иштирокчи танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди. Кўрик-танловда, шунингдек, 15 дан ортиқ қўшимча номинациялар, жумладан, “Энг яхши ҳомий шифокор”, “Энг яхши касаначи” йўналишлари бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, улар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Анъанавий “Ташаббус — 2006” кўрик-танловининг вилоят босқичи февраль ойи охирларида бўлиб ўтади.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

## Кўнгилларга завқ улашиб



***Турмуш ташвишлари билан юрган инсон баъзан руҳига таскин истайди, гўзал масканларда ҳордиқ чиқаришга эҳтиёж сезади. Бугун тобора чирой очиб бораётган пойтахтимизда бундай гўшалар истаганча топилади. Мустақиллик майдонига туташиб ва ярашиб турган Тасвирий санъат галереяси ҳам ана шундай муҳташам даргоҳлардандир.***



### Кўргазма

Айни кунларда бу ерда Азамат Ҳотамовнинг янги кўргазмаси бўлиб ўтаётир. Унда ижодкорнинг ҳайкалтарошлик билан бир қаторда тасвирий санъатга оид асарлари ҳам намойиш этилаётгани кўргазмани мазмунан бойитди. Рассом ижодида етакчи бўлмиш ҳаёт, аёл ва санъат мавзулари инсонни самимийликка, покликка ундайди. Айниқса, “Оила”, “Менинг фариштаҳарим”, “Тўйга” каби асарлар йиғилганларда катта таассурот қолдиради.

Кўргазмага ташриф буюрган киши маънавиятнинг нақадар қудратли ва эзгу кучга эга эканлигига яна бир бор амин бўлади. Бундай дурдоналардан завқ олиш ёшларимиз қалбида миллий ғурур, юртга муҳаббат туйғуларини жўш урдиради.

**Анвар САМАДОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**
**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВАРХИТЕКТҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

ИНВЕСТОРЛАР, ЛОЙИҲАЛОВЧИЛАР ВА ҚУРУВЧИЛАР УЧУН ПРОГРАММА КОМПЛЕКСЛАРИ

- QURQIYMATASOS-2005 (*патент* №DGU 000947)
  Даврархитектқурилиш қўмитаси буйруғи билан тасдиқланган. Қурилиш баҳосини жорий нархда аниқлаш ҳисобини, локал-ресурс сметалари, жамлама ресурс ведомостлари, ишлар ведомости, ресурс ведомостлари ва бошқаларни тузишга ва бажаришга имкон беради.
- QURILISHMATERIALLARI NARXI (*патент* №DGU 01043)
  Ўзбекистон Республикаси бўйича 2003 йилнинг октябридан асбоб-ускуналар, мебеллар ва инвентарлар, қурилиш материаллари нархи тўғрисидаги маълумотлар базасига эга. Базага киритилган маълумотлар асосида тезда сизни қизиқтирувчи қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари тўғрисидаги маълумотларни минтақалар бўйича нархини билишга ҳамда аниқ материаллар ёки асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи таъминловчилар тўғрисидаги маълумотлар беради.
- QURILISH ME'YORLARI (*патент* №DGU 01048)
  Даврархитектқурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган ва келишилган капитал қурилиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги амалдаги жамланган норматив базасига (иқтисодий смета нормативи ва методик тавсияномалар) эга. Капитал қурилиш соҳасидаги сизни қизиқтирган база маълумотномасига киритилган ҳужжатларни тезда топишга имкон беради.

Аниқ маълумотлар бизнинг сайтда **www. stroyinfo.uz**
“Программа комплекслари...” шартнома асосида нақд пул ўтказиш йўли билан тарқатилади.
Ўзгартирилган, янгиланган “Программа комплекслари...” интернет орқали пул ўтказиш йўли билан бажарилади.

700011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6. Тел: 144-07-82, 144-07-74, 144-08-89.
E-mail: stroyinfo@dostlink.net www. stroyinfo.uz

Программа комплексидан фойдаланиш — вақтни, маблағни иқтисод этади ва қурилиш нархини жорий нархда кўп вариантли ҳисобини аниқлайди.



Ёш кинематографчилар, кино-видео студиялар раҳбарлари (бадиий фильмлар ишлаб чиқарувчи ташкилотлар) ва охирги икки йилдан буён фильм намойиш этиш ҳуқуқига эга бўлганлар диққатига!

Шу йилнинг 2-7 май кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Марказий Осиё давлатларининг
иккинчи ёшлар «Ижодий парвоз» кинофестивали
бўлиб ўтади.

Фестивалнинг асосий муассислари «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, М.Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шунингдек, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган қатор чет эл ташкилотлари ва элчихонлардир.

Фестиваль олдига қўйилган вазифа истеъдодли ёшларнинг маҳоратини намоён этишга шарт-шароит яратиш, уларнинг келгусидаги ижодий фаолиятларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

Танлов бадиий фильмлар бўйича ўтказилади.

Танлов комиссияси охирги икки йилда ёш кинематографчилар томонидан ишланган тўлиқ ва қисқа метражли фильмларни қабул қилади.

Фестивалда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги манзилга ариза топширишлари, шунингдек, регламент бўйича қўшимча маълумотларни олишлари мумкин: 700027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 98-уй (Киночилар уйи). Телефонлар: 45-92-76, 45-79-32. Факс: 120-63-98. E-mail: ijod2@yandex.ru.
*Кинофестивалда қатнашиш учун аризалар 2006 йилнинг 15 мартига қадар қабул қилинади.*



IPOTEKA BANK
ИПОТЕКА БАНК

Акциядорлик тижорат «Ипотека банк»и кенгаши 2005 йил IV чорак натижалари бўйича имтиёзли акциялар учун дивидендлар тўланишини эълон қилади.

«Ипотека банк»и кенгашининг 2006 йил 16 февралдаги қарорига асосан бир дона имтиёзли акция номинал қийматига нисбатан 10% миқдорида дивиденд тўланади.

Дивидендлар миқдори дивидендларга қўйилган солиқсиз кўрсатилган.

2006 йил 17 январь ҳолатига банк акциядорлари реестрида қайд этилган имтиёзли акциялар эгалари бўлган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 132-12-93. Факс: 136-03-88.



*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!*

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ
қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

| № | Объект номи | Объектнинг нархи ҚҚС билан сўмда | Қурилишни якунлаш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Наманган вилояти, Косонсой тумани, «Тергачи» ҚФЙ, Боғкўча маҳалласида қурилиш ва коммунал хизмат ихтисослиги йўналишидаги 540 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш | 1 576 500 000 | 2006 йил 30 ноябрь |

**Буюртмачи — Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси. Телефонлар: (8-3692) 26-63-03, 33-77-06.**

Қурилиш ишлари Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти консалтинг марказига қуйидаги манзилга: **Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (8-3692) 26-14-50, 26-47-91.**

*Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи — 50 000 сўм.*

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган ш., Амир Темур к., 105-уй.



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru



Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 13 февралдаги №11-0622/1140-сонли иш ажримига асосан Янгийўл шаҳрида жойлашган
«ОЛТИН ДОН КОМПАНИЯСИ» ҚЎШМА КОРХОНАСИГА
нисбатан банкротлик таомили қўлланилиб, кузатув жорий қилинган.
Шу муносабат билан 2006 йил 22 март соат 10.00 да «Олтин дон компанияси» қўшма корхонаси биносида кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтади.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун муддат ичида қабул қилинади.
Манзил: Тошкент вилояти, Янгийўл ш., Низомий к., 16-уй.
Маълумот учун телефонлар: 135-81-19, (8-260) 2-13-74.



UZBEKISTAN DEVELOPMENT GATEWAY

БАРЧА ВАЗИРЛИКЛАР, КОРХОНАЛАР, БИРЛАШМАЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Uzbekistan Development Gateway** лойиҳаси тендер эълонларини **www.dgmarket.uz** он-лайн миллий тендер майдончасида жойлаштиришни таклиф этади.
Ушбу тендер майдончаси:
- харидорларга Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлардан товар етказиб берувчиларни жалб қилиш, матбуотда эълонни чоп этишга кетадиган вақт ва маблағларни тежаш;
- товар етказиб берувчиларга эса 165 та мамлакатда ўтказиладиган тендерларда очиқ ва тенг ҳуқуқли қатнашиш;
- умуман олганда, Ўзбекистонда рақобатчилик кўрсаткичларини кўтариш имкониятларини яратиб беради.

**Қўшимча ахборот олиш мақсадида www.dgmarket.uz га** мурожаат этинг ёки қуйидаги телефонга қўнғироқ қилинг:
(+998 71) 150-02-02.
Факс: 151-25-48.
e-mail: dgmarket@cer.uz

**Ушбу лойиҳа ССП, БМТРД, ИТМ кўмагида амалга оширилмоқда.**



*Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!*
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

